


Ёш ўспиринлар орасида оилавий зўравонликка йўл қўймаслик



Эл-Фараби атындағы жалпы орта мектебі
Педагог-психолог: Ханзода Абдукадировна



Мақсади:



Ота-она ва бола ўртасидаги ҳурматни, бир-бирига нисбатан ишончни, ота-оналар масъулиятини кучайтириш. Ота-она ва болалар ўртасидаги вазиятларда оқилона қарор қабул қилиш учун шароит яратиш билан ота-онанинг фарзандига деган ишонч туйғусини уйғотиш. Зўравонлик туфайли ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш ҳақида ахборот бериш.

Қозоғистон Республикасининг қонунига назар ташласак:

II қисм, 27 - модда, 2-банд

-Болаларга ғамхўрлик қилиш ва уларни тарбиялаш ота-оналарнинг узвий ҳуқуқ ва мажбуриятидир.

17-Модда, 2-Банд

- Ҳеч кимни қийноққа олишга, зўравонлик ёки бошқа шафқатсизлик ҳамда кадр-қимматни камситадиган муомала қилиш ёки жазолашга мумкин эмас.

10-боб, 67-модда

-Ота-оналар фарзандларига нисбатан ёмон муомала учун, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишгача жазоланади

Зўравонлик деганимиз - одамга кўрсатилган жабр, зўрлик.



Унинг турлари:

- Танага жабр етказиш;
- Менсимаслик,
камситиш;
- Жинсий зўрлик;
- Психологик яъни руҳий
зўрлик.


Одам аъзосига:



- бетидан уриш;
- силталаш, итариш;
- шапалоқ билан уриш,
- бўғиш,
- тепкилаш;
- хонага қамаш, куч билан кўрқитиб ушлаш;
- белбоғ билан в.б. воситалар билан уриш;
- оғир нарсалар ҳатто пичоқ билан жароҳатлаш.

➤ Менсимаслик, камситиш, аҳамият бермаслик

Боланинг асосий муҳтожликларига аҳамият бермаслик (маънавий хатолик) – бу одамлар тарафидан болага ғамхўрликнинг йўқлиги, ота-она тарафидан фарзанд олдидаги бурчларнинг бажарилмаслигидир. Бунинг натижасида боланинг ўзлаштириши ҳам ривожланиши ҳам пасаяди, соғлиги эса ночорлайди.



Психологик зўравонлик

- Куч кўрсатмай, сўз билан болага хавф туғдириш, уришиш;
- Ор – виждонини, обрўсини хўрлаш ва камситиш;
- Очиқ-ойдин болани ёқтирмаслигини намоёиш қилиш, доимо танқид қилиш;
- Керак бўлганда рағбатлантиришни чеклаш, унинг асосий талабларини англамаслик, хавфсизлигини таъминламаслик, энг асосийси, ота-оналик муҳаббатидан маҳрум қилиш;
- Боланинг ёш хусусияти ва имкониятига қарамасдан ҳаддан ташқари кўп талаб қўйиш;
- Болага чуқур руҳий жароҳат етказиш;
- Болани атайлаб атрофидагилардан ажратиб қўйиш, ижтимоий алоқалардан чеклаш;
- Бошқалар олдида сўз билан сўкиш, камситиш - бу боланинг ўз-ўзини тубан баҳолашига олиб келади.

Психоген факторлардан пайдо бұладиган касалликлар



Ота-онанинг болани тарбиялашда олдига улкан эзгу мақсадлар қўйиши бола ҳаётида катта рол ўйнайди.

Оиладаги ўзаро ҳамжиҳатликни йўқотиш, мактабдаги муваффақиятсизликлар, ёмон болалар тўпига қўшилиш болани турли нотўғри йўллارга бошлайди



Агар болам бағритош, бемеҳр, манман бўлиб ўсмасин десангиз, бола тарбиясида қуйидаги хатоликларга йўл берманг


- *1 -хатolik:* «Агар сен мен хоҳлагандай бўлмасанг, мен сени яхши кўрмайман».
- *2 -хатolik:* "Нима хоҳласанг шуни қил, менга барибир".
- *3 -хатolik:* Ўта қаттиққўллик, яъни "Мен нима айтсам шуни бажаришинг керак, чунки мен оила бошлиғиман".
- *4 -хатolik:* Болаларни ҳаддан ташқари эркалатиш.
- *5-хатolik:* "Сенга қарашга вақтим йўқ".
- *6-хатolik:* Болага кўп пул бериш.
- *7-хатolik:* Ўз кайфиятингизга қараб болага яхши ёки ёмон муомалада бўлиш.

Демак, боланинг ахлоқининг шаклланишига оила ўзгача таъсир ўтказар экан, боланинг ҳар тарафлама ривожланиши: билимли, ахлоқли, эзгу тарбияли бўлиши оилага боғлиқ.





❧ **Биз ХХІ асрда бола тарбиясини осмондан олмаймиз, ўтган ота-боболаримиз қолдириб кетган салт-дастур, урф-одат, мақол-маталлар билан боғлаб тарбиялашимиз керак. Ота-ана бола учун жавобгар. Ҳар боланинг яхши тарбия олиб, яхши азамат бўлиб ўсишига ота-она ўз таъсирини кўрсатиши керак.**



Ота-оналарга тарбия принциплари

- Яхши кўриш
- Ғамхўрлик кўрсатиш
- Ҳар доимо эътиборли бўлиш
- Ҳар доим тушуниш
- Ҳар доим қабуллаш



**Она – уйнинг баракаси,
Бола – уйнинг маъракаси.
Дарахт шохи билан кўркам,
Одам боласи билан.
Болали уй — жаннат.**





Болангизни бировларга ўхшатиб тарбиялашни истаманг.
У катта бўлганида барибир сизга ўхшайди.
Тарбияни аввало ўзингиздан бошланг

Инглиз мақоллари





Эътиборингиз учун рахмат!